

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД АСОС СОЛГАН СУФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА
МАЛОМАТИЙЛИК ҒОЯЛАРИ****Яздонов Зикирилло***Тадқиқотчи*

Марказий Осиёда ўз даврида кўплаб таълимотлар, тариқатлар, оқимларнинг шаклланиши ва бу ўлкада хилма-хил қарашлар, турли анъана, урф одатларнинг муайян халқларнинг маданияти тарихи билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Эрон ва Турон заминидан пайдо бўлган бундай ҳаракатлар ўзаро алоқанда бўлиб бир-бирини тўлдириб баъзан бирини иккинчига сингиб кетишига сабаб бўлган. Бунинг сабаби уларнинг ғоялари урф одатлари бир-бирига яқинлиги бўлса, иккинчиси диний эътиқоднинг муштараклигидан келиб чиқишини кузатиш мумкин. Шу маънода, маломатийлик ҳам Марказий Осиёда ўзига хос ўрига эга бўлган. Ўлкада мавжуд ёки кейинги шаклланган тариқатларга ҳам таъсирини ўтказган. Бу даврда шиа ва хаворижлар Хуросоннинг ўрта минтақаларида ҳам тарқалган эди. Мўътазилалар ушбу ўлкада исломдан илгари мавжуд бўлган қадимий фалсафий таълимотларни ўзига сингдирган ҳолда худудга кириб келадилар ва минтақанинг чекка ўлкаларига қадар етиб борадилар. Шунингдек, юқорида зикр қилинган исломий мазҳаб ва оқимлардан ташқари минтақада яхудийлик, насронийлик, монийлик, мажусийлик, буддавийлик дини вакиллари ёнма-ён ҳаёт кечирганлар. Умуман олганда, бундай кўп сонли турли фирқа в оқимлар, ҳаракатларнинг ҳар бирининг ўзига хос маънавий-ахлоқий тарбия усуллари ва воситалари бўлган. Бироқ, баъзилари таассуб ва жаҳолатга эргашиб ўз мавқени йўқотган. Маломатийлик “нафс” чиркинликлар, хоҳишлари билан овора бўлмасдан қалбни поклаш, ихлос ва сидқ туфайли ҳақиқатга эришиш ғоялари билан ўз мавқеини сақлаб турган. Шу билан тасаввуфнинг марказий муаммоларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Тасаввуфда ўзига хос риёзат йўлининг хилма-хиллиги учун, ушбу йўналишда маломатийларнинг Аллоҳ билан яқка қолишга интилишларининг амалиётдаги ўзига хос инъикоси сифатида таъсирини ҳам сақлаб қолган.

Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд асос солган суфийлик таълимотининг назарий асосларидан бирини Худо, дунё ва инсоннинг ўзаро нисбати муаммоси ташкил этади. Бу бош муаммо талқинида суфийларни икки йўналиш – теистик ва пантеистик йўналишларга ажратиш мумкин. Аллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси деб эътироф этилган, инсондан ташқарида турган, дунё узра юксалган ва билиш мумкин эмас деб эълон қилинган бўлса, суфийлар таълимоти монотеизм шакл-шамойилини касб этган,

дунё ва Худо тушунчалари тенглаштирилган тақдирда бундай таълимот пантеистик деб ҳисобланган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётнинг мазмунини Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришишга интилишда кўрган ва Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим – шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим – тариқат жараёнида юз беради, деб ҳисоблаган. У шариат Қуръони карим ва ҳадисларни билишдан келиб чиқувчи диний қонун-қоидалар тўплами эканлигидан келиб чиққан. Тариқат одам Ҳақиқатга эришиш учун қайси босқичлардан ўтиши, Аллоҳни англаш ва у билан бирикиш учун қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди. Бунда билиш жараёнида шариатдан тариқатга ўтиш дарҳол юз бермайди. Фақат шариатни ўзлаштириш ва унинг талабларини бажариш орқали Ҳақиқат йўлидан жадалроқ ва самаралироқ бориш мумкин. Маломатийликнинг “Риё” дан сақланиш йўлидаги ҳаракатлари нақшбандияда ўзига хосликнинг намоён бўлишида кўринади. Нақшбандиянинг ҳар қандай ўта парҳезкорлик, гўшанишинлик, узлат, таркидунёчиликка қарши таълимоти маломатийликдан ўзлаштирилган ғояларнинг инъикоси сифатида кўзга ташланади. Чунки, нақшбандия тариқатида ҳам кўпроқ қалб поклиги, қалбнинг инсон маънавий маркази эканлигига урғу берилиб, уни поклаш орқали нафсоний истакларни маҳв этишга эришиш мумкинлигига эришганлар.

Шу йўналишда инсон билишнинг ҳар бир босқичи (мистик йўл манзиллари)дан олдинма-кетин ўтиб ўз мақсадига яқинлашади. Суфийлик назарияси ва амалиёти онгнинг ташқидан ичкига, очикдан яширинга саёҳатини назарда тутди. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат эзотерик (яширин, мистик) фан, у ҳаммага очик эмас, уни фақат ўзини Ҳақиқатга бахшида этган одамлар англаб етиши мумкин, деб ҳисоблаган.

VII-VIII асрларда зоҳидларда намоён бўлган хусусият – қилган тоат ибодатлари, дунёдан юз ўгиришлари ва ҳар қандай зоҳидона турмуш тарзларида Аллоҳнинг розилигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобларидан қутулиш ғоясига эга бўлишларидир. Яъни, уларнинг ҳаётларида устувор бўлган туйғу ва тушунча – жаҳаннам кўрқуви ва жаннатда Аллоҳнинг жамолини кўриш умиди эди. Бу даврдаги зоҳидларда аввал “кўрқув”га таянган зуҳд тушунчаси ҳукмрон бўлади. Лекин VIII асрда Басра тасаввуф мактабига мансуб машҳур зоҳид Робия ал-Адавия (ваф.135/752 й.) билан боғлиқ янгича туйғу ва тушунчалар, яъни илоҳий ишқ тушунчаси тасаввуфга кириб келди.

Умуман олганда, Баҳоуддин Нақшбанд асос солган суфийлик таълимотининг назарий асослари маломатийлик ғоялари билан тўлдирилиб, ривожланиб борганлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўшон. М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 1998. – Б.13.
2. Али ибн Усман аль-Худжвири. “Раскрытие скрытого за завесы”. Старейший трактат по суфизму // Перевод с английского А. Орлова. - Москва: “Единство”, 2004. – С. 199.
3. Б.Намозов. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: “Фан”, 2011. - Б.42.
4. Шарипова О. Абдухолик Гиждувоний. – Бухоро: Бухоро, 2020.- Б. 13.
5. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилари). - Тошкент: Али Абу ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – Б. 39.
6. Комилов Н., Ёкубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожига тасаввуфнинг тутган ўрни (X-XV асрлар). – Тошкент: Академия, 2005.–Б.4.
7. Уватов У. Ал Ҳаким ат-Термизий. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Имом Бухорий халқаро маркази. тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулло Уватов. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б. 58-69.
8. Аҳмад Субҳий Мансур. Ат-Тасаввуф ва Ҳаёт ад-динийа фи-л-мамлукийа. – Қоҳира: Ал-марказ ал-маҳрус, 2002. Т. 1. Б. 26.